Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 99 (550) 2021 йил 17 декабрь, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.

Сеул шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, артиллериядан тўплар отилди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етакчисини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Хонг Нам Ки ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари – икки томонлама учрашув ва музокаралар бугун, 17 декабрь куни бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

# СЕУЛДА ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ЎРТАСИДА ИККИТА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
ЎзА мухбири.

**16 декабрь куни Сеул шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Дастурий таъминот ва IT технологиялар парки ўртасида иккита янги лойиҳа битими имзоланди.**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига ташрифи доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда KOICA вице-президенти Им Жонг Хи, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири Агриппина Шин, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ҳамда IT Park бош директори Фарҳод Ибрагимов иштирок этди.

KOICA ва Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида имзоланган дастлабки “Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва ривожлантириш комплекс марказини қуриш орқали мактабгача таълим педагог кадрлари салоҳиятини ошириш” лойиҳаси 2021-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, мазкур дастур учун беғараз 11 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Ушбу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад мактабгача таълим сифатидаги тафовутни билим маркази комплексини ташкил этиш орқали қисқартириш, намунавий боғчалар орқали сифатли мактабгача таълим хизмати кўрсатишдир.

Лойиҳада, жумладан, зарур ускуналар билан жиҳозланган билим маркази қуриш, мактабгача таълим педагог кадрлари учун малака ошириш дастурларини амалга ошириш, тарбиячилар учун ўқув дастури бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш, зарур жиҳозлар билан таъминланган намунали мактабгача таълим ташкилотини қуриш сингари муҳим йўналишлар акс этган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги IT Park билан бирга “Ўзбекистонда IT Parkнинг барқарор ривожланиши асосларини шакллантириш ва салоҳиятини ошириш” лойиҳасини ҳам амалга оширади. Тўрт йиллик дастурга асосланадиган мазкур лойиҳа учун 4,5 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

Бу жараён мамлакатимизда IT-саноати тараққиёти учун пойдевор қўйиш, соҳада фаолият кўрсатаётган компаниялар рақобатбардошлигини ошириш, бошқарув стратегиясини яратиш орқали институционал имкониятни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг томонлар келгуси режалар хусусида музокара олиб борди. Шунингдек, мактабгача таълим ва ахборот технологиялари соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

# ҲОКИМ МУРОЖААТИ ТИНГЛАНДИ

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Халқ депутатлари Янгиқўрғон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Асадулло Нажмиддинов 2021 йил якунлари ва 2022 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифалар бўйича мурожаати тингланди.**

Туманда жорий йилнинг ўтган 10 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилга нисбатан 114,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 115,7 фоизга, чакана савдо айланмаси 112,4 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 118,8 фоизга ҳамда жами хизматлар 119,4 фоизга ўсгани айтилди.

– Ҳоким мурожаатида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам атрофлича таҳлил қилинди, – деди туман қурилиш бўлими бошлиғи Элёрбек Эргашев. – Таъкидланганидек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ичимлик суви, электр, ички йўлларни таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари мунтазам диққат марказда бўлди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида Мамай ва Олмазор маҳаллаларида қурилиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 17,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шу ҳисобига ҳудуддаги 32-сонли умумий ўрта таълим мактаби ва 17-сонли МТТ мукаммал таъмирланди. Шу билан бирга, Мамай ва Олмазор маҳаллаларида 16,8 километр янги ичимлик суви тармоғи тортилди, 27,6 километр ички кўчаларга асфальт ва шағал ётқизиш ишлари амалга оширилди, 11,1 километр электр тармоқлари тортилди, 5,0 километр ички ирригация тармоқлари таъмирланди, 550 та аҳоли хонадонларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2022 йилда эса ҳудудий инвестиция дастурига асосан умумий қиймати 778,0 млрд сўм бўлган 68 та лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 1400 та янги иш ўрни яратилади. 4 та кичик саноат зонасида қиймати 525,5 млрд сўм бўлган 45 та лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 630 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Сессиядан сўнг матбуот анжумани ташкил этилди. Журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

# ЯНГИ БИНО ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани “Оққамиш” овул фуқаролар йиғинида давлат-хусусий шериклик асосидаги “Женнет мекан” мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, болаларни қамраб олиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга тўхталишди.

Ташаббускор маблағи ҳисобидан бунёд этилган умумий қиймати 4 миллиард 260 миллион сўмлик давлат-хусусий шериклик асосидаги 100 ўринга мўлжалланган замонавий мактабгача таълим ташкилотининг фойдаланишга топширилиши чекка ҳудуд аҳолиси учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

Тадбир иштирокчилари ишга туширилган икки қаватли мактабгача таълим ташкилоти биносида болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда туманда 33 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 8 та давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда 26 та нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Ҳудудда жами 17 811 нафар 3-7 ёшдаги бола бўлиб, шундан 12 713 нафари мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган ва қамраб олиш 71,5 фоизни ташкил этади.

# СЕУЛДА АЛИШЕР НАВОИЙ БЮСТИ ЎРНАТИЛДИ

**Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи арафасида ушбу мамлакат пойтахти – Сеул шаҳри марказида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бюсти очилди.**






Дунёнинг яна бир гўзал шаҳрида атоқли шоир хотирасига тикланган кўркам ёдгорликнинг очилиш маросими Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги ва давлатимиз раҳбарининг мазкур мамлакатга давлат ташрифига бағишланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири Агрепина Шин, Олий Мажлис депутати Виктор Пак, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Навоий ҳазратларининг янги ёдгорлиги пойига илк бор гулчамбарлар қўйилди.

## Шу куннинг гаплари

“Тошкент ИЭМ” АЖда қиймати салкам **110 млн** доллар бўлган инвестиция лойиҳаси доирасида **2** та газ трубинаси қурила бошланди.

Хоразм вилоятининг Янгиариқ, Хонқа ва Тупроққалъа туманларида **“Янги Ўзбекистон” массивлари** бунёд этиладиган бўлди.

Фарғонанинг Олтиариқ туманидаги қир-адирларни ўзлаштириш учун **160** метр чуқурликдан сув чиқарилиши бўйича ишга киришилди.

Навоий вилоятининг 2021 йил экспорт ҳажми **36,981 млн** долларни, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш эса **30,4 млн** долларни ташкил этган.

Келгуси йилдан ҳар бир массивда **21** турдаги зарур хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилади.

Ўзбекистонда ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун Ҳиндистондаги Эксимбанк **448 млн** долларлик кредит ажратди.

Қурилиш вазирлигида

# ТУРК ДУНЁСИ МУҲАНДИСЛАРИ ВА АРХИТЕКТОРЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Турк дунёси муҳандислари ва архитекторлари уюшмаси раиси И. Демиржи бошчилигидаги делегация Қурилиш вазирлигига ташриф буюрди.

Туркиялик меҳмонлар вазир ўринбосари Н. Бабаев билан учрашув чоғида бир қатор масалаларни муҳокама қилишди. Жумладан, TÜRKSOY бош марказида “Мирзо Улуғбекни ёдга олиб” мавзусида учрашув бўлиб ўтгани алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда 2022 йил 21-22 март кунлари Самарқандда “Наврўз” байрами ҳамда Мирзо Улуғбек таваллуд куни муносабати билан конференция ўтказилиши ҳам таъкидланди.





Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 82-моддаси нима ҳақида?

**82-модда.** Ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда зарарнинг ўрнини қоплаш.

Ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга қуйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

ерларни мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари учун, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун бериш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ҳамда авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизимлари ва электр узатиш линиялари объектлари, алоқа линиялари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши (реконструкция қилиниши);

аҳоли пунктлари бош режаларининг объектларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда қуришга оид қисмини ижро этиш.

Аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари мавжуд бўлмаган тақдирда ер участкалари аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олиб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингунига қадар туманлар ва шаҳарларнинг ижро этувчи ҳокимият органлари:

ер участкалари олиб қўйилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан очиқ муҳокамалар ўтказади;

олиб қўйиш чоғида юзага келадиган фойда, харажатлар ва зарарларни баҳолашни амалга оширади;

ҳар бир мулкдор билан келишувга кўра кўчмас мулкнинг бозор қиймати ҳамда ер участкалари олиб қўйилиши туфайли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш турлари ва миқдорлари кўрсатилган ҳолда олиб қўйилаётган ер участкаларининг рўйхатини тузади.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ер участкаларининг рўйхатлари ўтказилган очиқ муҳокамалар натижаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланади.

Ер участкасини олиб қўйиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг олиб қўйилган ер участкасидаги кўчмас мулк объектларини бузиш фақат кўчмас мулк бозор қийматининг ва мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин амалга оширилади.

Давлат органлари томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарор қабул қилиниши натижасида юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат ҳисобидан қопланади. Бунда зарарнинг ўрни ноқонуний қарор қабул қилган давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Агар давлат органи тугатилган бўлса ёки юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаса ёки бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлмаса, зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Суднинг қарорига кўра, зарарларнинг ўрнини регресс тартибида қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари зиммасига юкланиши мумкин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (550) 2021 йил 17 декабрь

# “ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ САНОАТ ЯРМАРКАСИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР ТОПАДИ

**Республикамиздаги йирик саноат ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш яхши анъанага айланди.**

**“Олмалиқ КМК” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Камол ИСМОИЛОВ ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВАга пойтахтимизда ўтказилаётган Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ва унда комбинат иштироки ҳақида интервью берди.**








– Мазкур ярмарка бу йил янгича кўринишда ўтказилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йилда дастлаб барча вилоятларда ҳудудий ярмаркалар ташкил этилиб, якунида республика миқёсида ўтказилмоқда.

Эътиборлиси, вилоят ва Олмалиқда ташкил этилган ярмарка натижасида комбинат кооперация алоқаларини кенгайтириш йўлида бир қатор ўзаро манфаатли келишувларга эришди.

Ҳаммага яхши маълум, айни пайтда “Олмалиқ КМК” АЖда “Ёшлик I” конини ўзлаштириш”лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида “Ёшлик I” конининг фаолияти учун зарур бўлган янги инфратузилма объектлари, яъни темир йўллар ва станциялар, кон-транспорт воситаларини таъмирлаш ва йиғиш цехларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, 650 мегаватт қувватга эга ташқи электр тармоғи қурилмоқда. Лойиҳа доирасида қурилаётган 3 Мис бойитиш фабрикаси билан биргаликда унинг фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида соатига 23 минг куб метр қувватга тенг сув таъминоти объектлари ҳамда 360 минг тонналик янги оҳак заводи қурилишлари бошланган.

Айтиш керакки, янги фабрика комбинатнинг нафақат ишлаб чиқариш қувватларини 2,5 баробарга оширади, балки Мис саноати кластерини, кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда автомобилсозлик тармоқлари ривожланишига олиб келади.

Мисол учун, фабрика ишга тушганда зарур бўладиган 24 турдаги кимёвий реагентлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга туртки бўлади. Шунингдек, мис кабель симлари, мис кукуни, мис фольгаси каби юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали мисни қайта ишлаш ҳажми республикамизда 50 фоиздан 80 фоизгача етказилади.

Бу янги объектларнинг қурилиши доирасида ускуналар ва механизмларни етказиб берувчи хорижий компаниялар билан ушбу ускуналар ва механизмларни республикада, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кооперация асосида жалб этган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш олдимизга қўйилган устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бугунги республика миқёсидаги ярмаркада иштирок этишдан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз учун янги харидорлар топиш. Шунингдек, импорт маҳсулотларимизни маҳаллийлаштириш ҳисобига импорт ҳажмини қисқартириш ҳамда республикамизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ўйлайманки, ярмаркада комбинат ўзига ишончли ҳамкорлар топади, – деди Камол Исмоилов.

# ЙЎЛЛАР ЯНАДА ФАЙЗЛИ БЎЛЯПТИ

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқанд шаҳри кўчаларида бошланган қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ҳайдовчи ва йўловчилар ноқулайлик ташвишларидан қутилишди. Чунки ўндан зиёд йўлларда бунёдкорлик юмушлари сифатли бажариляпти.**

Йирик объектлардан ҳисобланган Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесишмасида янги ўтказгичнинг қурилишини Самарқанд учун ноёб ҳодиса сифатида талқин қилиш мумкин. Шаҳар марказини Сиёб бозори ва халқаро аэропорт билан боғловчи ушбу кесишма доим тирбанд ҳолда бўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозини келтириб чиқарган. Эндиликда ҳукумат раҳбарларининг саъй-ҳаракати туфайли амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 100 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

“Кўприкқурилиштаъмирлаш дирекцияси” унитар корхонаси ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати туфайли мукаммал иншоот қад ростлади. Айни пайтда Беруний ва Рудакий кўчалари кесишмасидан Шоҳи Зинда мажмуасигача автомобиль йўлини кенгайтириш, таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Бўстонсарой кўчасидан ўтган Чашма ариғи устига кўприк қурилишига “Тошкўприкқурилиш” МЧЖ бунёдкорлари жалб қилинган бўлиб, улар ҳам чинакам шижоат кўрсатишяпти. Йўлнинг кўприк қисми 6 метрга кўтарилган бўлса, У. Турсунов кўчасидан ариққача бўлган қисми 4 метргача пасайтирилди. “New-tech Samarkand” МЧЖ йўлсозларининг бу борадаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Самарқанд шаҳрига кириб келинадиган Зарафшон шоҳкўчаси, Уста Умар Жўрақулов, Садриддин Айний, Даҳбед, Абдураҳмон Жомий, Ўзбекистон, Фирдавсий кўчалари, шунингдек, маҳаллаларнинг ички йўлларини сифатли реконструкция қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

– Йўлларни қайта қуриш, уларни кенгайтириб, асфальтлаш билан чекланмаяпмиз, – дейди “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош муҳандиси Собир Абдураимов. – Қурувчилар пиёдалар учун ҳам барча қулайликлар яратишга қатъий бел боғлашган. Лойиҳалар асосида бунёд этилаётган йўлаклар ва велойўлакларга махсус бетон плиталар терилаяпти, ариқларга лотоклар ётқизилаяпти, сув қувурлари ўтказилиб, дарахт ва гуллар экишга мослаштирилаяпти.

Хуллас, пировардида яратилаётган қулайликлар инсон бахт-саодатига ижобий таъсир кўрсатиб, унумли дам олиши ва ишлашига ундаши аниқ.

Мутахассис огоҳлантиради

# КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ҚУРИШНИНГ ТАШВИШИ КЎП

**Сардор ҚОДИРОВ,**
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг Самарқанд ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

**Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Кўп қаватли квартиралар қуришга эътибор кучайиб, бу юмушларни аъло даражада бажаришга киришилгани диққатга сазовор. Аммо юқори қаватли уйларга кўтарилиш, қурилиш материалларини етказиб бериш бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани, ўзига яраша ташвиш орттираётгани сир эмас.**

Ишни пухта ташкил этган қурувчилар бунинг ҳадисини олиб, замонавий техникалар харид қилиб, ортиқча ташвишларни осонгина енгаётир. Афсуски, ана шундай беминнат “ёрдамчилар”дан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик анча панд бераётир. Республикамизда Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг бу борадаги қоидаси ишлаб чиқилган бўлса-да, айрим раҳбарлар уни назоратдан четда қолдиришяпти.

Самарқанд вилоятида миноралли кранларни ишлатиш жараёнини кўздан кечириш давомида ана шундай ҳолатлар кўринди. Ачинарлиси, кўп жойларда кранлар вақтида техник назоратдан ўтмаган. Бундан ташқари, кўтариш механизмларининг айримлари лойиҳа асосида ўрнатилмаган, сифатли монтаж ишлари бажарилгани тўғрисидаги далолатномаларга, яшиндан ҳимояланиш, электр токини ерлатиш ишлари учун лаборатория хулосаларига эга эмас. Хавфсизликни билдирувчи сигналлар ишламайди ёки кўпчилигида умуман йўқ. Шамол тезлиги ва йўналишини аниқловчи аниометр ўрнатилмагани ҳам яхши эмас. Бу билан ўз-ўзимизни алдаётганимизни унутмаслигимиз керак.

Ҳудудий бошқарма ходимлари турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қурилиш ишларини олиб бораётган ёки бошқа хавфли объектлар сирасига кирадиган қурилмалардан фойдаланувчи барча корхоналарга норматив-техник қоидаларга риоя этилиши юзасидан амалий-назарий кўмак беришга доимо тайёр.

## ҲУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Қашқадарё вилояти

# ЧИРОҚЧИДА “ЁШЛАР МАРКАЗИ”НИНГ ЯНГИ БИНОСИ ОЧИЛДИ

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Чироқчи туманида 2020-2021 йиллар давомида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш доирасида “Ёшлар маркази”нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида қурилган бинога 1 миллиард 350 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

– Бугун ёшлар учун катта имкониятлар эшиги очилди, – деди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими мутахассиси Мақсуд Очилов. – Янги марказда ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, тасвирий санъат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган, ахборот-ресурс ва ёш тадбиркорлар учун маслаҳат марказлари зали замонавий жиҳозланган. Таъкидлаш жоизки, юртимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши учун шароит яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ёшларнинг ташаббус ва ғояларини бирлаштириш, янги лойиҳалар тайёрлаш, тадбиркорликка ўргатиш, турли соҳаларда маҳорат дарсларини ўтиш учун чироқчилик ёшлар энди бир манзилда жам бўлишади.




Албатта мазкур марказда эндиликда IT соҳасига ўқитиш, кутубхона ва у ерда бадиий китоблар билан бирга бизнесга дахлдор китоблар бўлиши, инновацион учрашувлар, бизнес семинарлар ташкил этилиши, тадбиркорлар билан маҳорат дарслари ўтилиши йўлга қўйилади. Шу аснода мазкур жой ёшларнинг муваффақият уйига айланиши аниқ.

Фарғона вилояти

# ОЛИЙГОҲДА НОН ЦЕХИ ОЧИЛДИ

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қўқон давлат педагогика институти тизимида ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор ишлар амалга ошириляпти.**

Яқинда Хитой технологиялари асосида яратилган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида қолипли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Цехнинг ишга туширилиши билан 5 та (шундан 2 нафари талаба) янги иш ўрни яратилди.

# АРДАХШОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

**Фурқат туманидаги “Ардахшон” МФЙ ҳудудида ташкил этилган “Узунчек” ёшлар кичик саноат зонаси фаолият юритишни бошлаганига кўп бўлгани йўқ.**

Мазкур саноат зонасидаги “Юксак имкон агро экспорт” оилавий корхонаси Хитой давлатидан 9 минг АҚШ долларлик ускуналар олиб келиб, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларини экспортга йўналтирмоқда. Хусусан, қисқа вақт ичида Россия ҳамда Хитой давлатларига 90 минг АҚШ долларлик 156,8 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилди.

# КОРХОНА ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

**Марғилон шаҳридаги “GoldenValley Fasteners” корхонаси ўз фаолиятини кенгайтириш лойиҳасини тақдим этди.**

Тадбиркор Эркинжон Юнусов айни кунларда ўз маблағи ҳисобидан 35 млрд сўмлик лойиҳа асосида ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш устида изланмоқда. Қурилиш ва жиҳозлаш ишлари 2022 йилнинг охирларига якунланиши режалаштирилган.

# ФУҚАРОЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛЯПТИ

**Бувайда туманидаги “Қоратепа” МФЙ ҳудудида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.**

Айни кунларда 148 хонадондан иборат 7 та 4 ва 5 қаватли турар жой бинолари қурилиши якуний босқичга келди ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқлда.

Наманган вилояти

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган қурилиш материаллари бўйича семинар-кўргазма бўлиб ўтди.**

Унда бир қатор бинокорлик индустрияси корхоналари янги маҳсулотлари билан қатнашди. Ташкил этилган кўргазма билан вилоят қурилиш бош бошқармаси, шаҳар ва туман қурилиш бўлимлари, пудратчи, лойиҳачи ташкилотларнинг вакиллари яқиндан танишди.

– Семинар-кўргазма шу куннинг долзарб масалаларидан бирига бағишлангани диққатга сазовордир, – деди Янгиқўрғон туман қурилиш бўлими бошлиғи Элёр Эргашев. – Хусусан, замонавий технология, янги қурилиш материаллари, илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш муҳим вазифа. Шундай экан, бу каби кўргазмаларни кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жиззах вилояти

# МЎҒОЛЛИКЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани марказидан олис бўлган ҳудудлардан бири Мўғол қишлоғи қир-адирларда жойлашган. Шу пайтга қадар қишлоқнинг мактабгача ёшда бўлган фарзандлари эски бинодан таълим муассасаси сифатида фойдаланиб, борйўғи икки хонадан иборат бу масканни болажонлар боғча ўрнида қабул қилишга мажбур эди.**

2021 йил бошида туманда бўлиб ўтган сайёр қабулдан сўнг вилоят ва туман прокуратураси масъуллари муассасадаги ҳолат билан яқиндан танишишди. Орадан 10 ой вақт ўтди. Вилоят прокурори бошчилигида амалга оширилган ишлардан сўнг мўғолликлар кўзни қувнатадиган замонавий бинога эга бўлишди. Йил бошида 20 нафар болаларга таълим-тарбия бериб келинган муассасанинг қамрови бугун 3 баробарга ошди. Болажонларнинг қувончини кўриб кишининг дили яйрайди.

Дарвоқе, бу кун мўғолликлар учун икки карра қувончлидир. Яъни, қишлоқ ҳудудида жойлашган 14-сонли умумтаълим мактаби ҳам янги қурилган бинога эга бўлди. Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ҳамда замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бу бино қурилишига 720 млн сўм маблағ сарфланди.

Очилиш маросимида иштирок этган вилоят ва туман прокуратураси масъуллари ҳамда қишлоқ фаоллари фойдаланишга топширилган бу даргоҳлардан келгусида халқ учун содиқ хизмат қиладиган йигит-қизлар етишиб чиқишига ишонч билдиришди.

Долзарб мавзу

# ПАҚИЛДОҚ ТАЪСИРИДАН ТИТРАГАН ЮРАКЛАР

## ЁХУД БУНГА КИМЛАР САБАБЧИ БЎЛЯПТИ?

**Ҳусан ТАНГРИЕВ,**
Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати бош инспектори.
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Мактаб ўқувчиларининг қишки таътилга чиқишига ҳам оз қолди. Эътибор берсангиз, мана шу жараён яқинлашгани сари кўп қаватли уйларда яшовчи қариялар, айрим хасталик азобини тортаётганлар ва ҳомиладор аёллар безовталана бошлайди. Бунга сабаб, уйларнинг кириш йўлаклари, серқатнов йўллар ҳамда юриб кетаётган киши ортидан бехосдан болалар томонидан қулоқни қоматга келтирувчи пиротехника воситаларининг отилаётганидир. Бундай ҳолатлар ҳаёт ташвишларини рўкач қилиб, фарзандини назоратсиз қолдираётган кишиларга бевосита бориб тақалади.**

Аждодларимиз, “Тарбияда танаффус бўлмайди” деб бекорга айтишмаган. Зеро, болани ёшлигидан тўғри йўлга бошлаб, унинг сўзларини тинглаш ва зарур маслаҳатлар бериш, фикрларидан хулоса чиқаришдан кўра, тезроқ биронта овунчоқ олиб бериб уни чалғитишга уринаётганлар ҳам жамиятимизда бор. Китоб ўқитиш, наботот оламига қизиқтириш, ҳаёт пиллапояларини босиб ўтиш учун нималарга эътибор қаратиш ва билишни англатиш ўрнига, “катта бўлса, ҳаётнинг ўзи ўргатади”, дейдиганлар йўқ эмас. Айрим ота-оналар таътил даврида фарзанди билан кўпроқ шуғулланмасдан, рўзғор ишларини баҳона қилиб, турли ноқонуний воситаларни олиб бераётгани оқибатида юқорида таъкидланган кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Йиллар давомида республикамиз ҳудудларида, айнан ўқувчиларнинг қишки дам олиш даврида пақилдоқлар туфайли келиб чиққан кўнгилсизликлардан барчамиз хабардор бўлсакда, айни кунларда пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлар жойлашган мавзеларда, айниқса, тунги пайтлари яна пиротехника воситаларининг гумбурлаган овози авжига чиқа бошлади. Қайсидир чайқовчидан ноқонуний сотилаётган маҳсулотни фарзандига олиб бериб, бошқаларнинг ҳаётига зарар етаётгани эса ўша ота-онанинг парвойига ҳам келмаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, пиротехника воситалари туфайли фуқароларимиз ва ўсиб келаётган баркамол авлод зарар кўрмаслигининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хавфлиликнинг 2-классига тегишли маиший пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан муомаласи таъқиқланган.

Давлатимизда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга кенг йўл очилган ва барча имтиёзлар берилмоқда. Ана шундай имкониятлардан миннатдор бўлиб, фаолиятини янада кенгайтириш ўрнига, фарзандларимизнинг таътилдаги вақтларидан ўз манфаати учун фойдаланишни мақсад қилиб, мўмай пул ишлаб олишни кўзлаган айрим “ғирром тадбиркорлар” инсон ҳаётига хавф солувчи зарарли воситаларни қинғир йўллар билан республикамиз ҳудудига олиб киришаётгани ҳар қандай кишини ташвишлантиради.

Божхоначилар томонидан ўтказилган тадбирларнинг бирида пойтахт вилоятидаги “Ғишткўприк” чегара божхона постидан пиёда кириб келган қўшни давлат фуқароси Д. М. 562 дона пиротехника воситасини бош кийими ва чўнтакларига яшириб олиб киришга уринган вақтда тўхтатиб қолинди.

Фарғона вилояти божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Фарғона туманида яшаётган Р. К.нинг хонадонини белгиланган тартибда кўздан кечиришганида унинг уйида хорижда ишлаб чиқарилган 96 миллион сўмлик пиротехника воситаси сотишга мўлжаллаб қўйилгани маълум бўлди. Марғилон шаҳрилик Г. З. эса бундай воситалардан бири эҳтиётсизлик натижасида кимнидир бир умр майиб-мажруҳ қилиб қўйишини билган ҳолда, нафсини устун қўйиб, қиймати 113 миллион сўмлик заракунанда билан чегара постини айланиб ўтмоқчи бўлганида божхоначиларнинг “тўрига” илинди.

Мана бу мисол эса шахсий манфаат орттириш йўлида, ҳатто, вояга етмаган фарзандини ҳам жиноятга бошлаши барчамиз учун янада ташвишлидир. Сурхондарё вилоятининг Узун туманида божхоначилар олиб борган тезкор тадбир давомида бу ердаги мактаблардан бирининг ўқувчиси оила бошлиқларининг топшириғи билан 14 минг дона пиротехникаларни сотаётганда тўхтатиб қолинди. Аслида бу, ўта оғриқли ҳолат бўлиб, бундай воситаларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида ёшлар орасида тарғиботларнинг самарали ва таъсирчан усуллари қўлланилмаётганини кўрсатади. Қарши шаҳри ва Чироқчи туманининг Кўкдала ҳудудида ўтган тадбирда ҳам бировининг уйида 6 минг дона, иккинчисиникида эса 18 минг дона, қиймати 11 миллион сўмга тенг ноқонуний воситалар сотишга тайёрлаб қўйилгани аниқланди.

Мавзуга оид бир мулоҳаза. Фикримизча, қонунларимизга зид бундай ишлар барҳам топмаётганига асосий сабаб аҳоли гавжум жойлар, савдо марказлари, айниқса, маҳаллалар ва бозорларда ўз вазифасини бажараётган масъуллар, шу жумладан, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари масалага эътиборсизроқ қарашаётгандек туюлади.

Якунланаётган йилнинг ўтган даврида республикамиз божхоначилари томонидан пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 3 миллион 658 минг донадан зиёд, яъни 2,4 миллиард сўмлик қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилган. Соҳа ходимлари қанчалик ҳушёр ва зийрак бўлишмасин, фақат шу бугунини ўйлаган баъзи кишилар мақсадига эришмоқда. Ҳозирги кунда тегишли ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар ҳар куни аҳоли ўртасида, мактаблар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Аммо бу тўлиқ мақсадга эришилди, дегани эмас. Биринчи навбатда, оила бошлиқлари муаммога тўлиқ чек қўйилиши учун ўз масъулиятини оширсалар, фойдадан холи бўлмасди.



# ҚАДРДОНЛАР УЧРАШУВИГА АЙЛАНГАН ТАҚДИМОТ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Миллий матбуот марказида халқ зиёлилари газетаси – “Ma’rifat”нинг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Меҳр ва маҳорат мактаби” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров модераторлик қилган тадбирда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, таниқли журналистлар, талабалар, газета муштарийлари, фахрийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашишди.

“Ma’rifat” газетасининг илк сони 1931 йил 4 июль куни “Маданий инқилоб” номи билан нашрдан чиққан. 1938 йил 25 январдан “Ўқитувчилар газетаси”га айланди. Нуфузли нашр 1991 йил 4 июль кунидан бошлаб ҳозирги номда чиқа бошлаган.

Дастлаб халқ таълим вазири Бахтиёр Саидов табрик сўзи билан тадбирни очиб берди. У ўз сўзида “Ma’rifat” газетаси ва муштарийларини байрам билан табриклаб, газета бугунги кунда таълим инқилоби бўлиб хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

– “Меҳр ва маҳорат мактаби” китоби тўрт бобдан иборат бўлиб, “Маърифатли устозлар” деб аталган биринчи бобида газетамизда фаолият юритган устозлар хотиралари, тилаклари жамланган, – деди газета бош муҳаррири Ҳусан Нишонов, – “Халқ зиёлилари газетаси” деб аталган иккинчи боб узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаётган таниқли олимлар ва фаол ўқитувчиларнинг газета ҳаёти билан боғлиқ фикрларидан иборат. “Ҳаммамиз “Маърифатданмиз”, “Маърифат” маҳорат мактаби” бобларидан эса таҳририятда фаолият юритган таниқли журналистлар ва газета қошида ташкил этилган маҳорат мактаби тингловчиларининг мақолалари ўрин олган. Бу китоб кўпчиликнинг меҳнати эвазига яратилгани боис ҳам барчага бирдек қадрли бўлиб қолишига ишонамиз.

Тақдимот таълим тизимидаги энг долзарб мавзуларни дадиллик билан ёритиб келаётган отахон газетада фаолият юритган, юритаётган қадрдонларнинг дийдорлашувига сабаб бўлгани билан ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Газетанинг фаол муаллифлари ва муштарийларининг дил сўзлари эса барчанинг қалбини қувончга тўлдирди.

Тадбир якунида ҳар бир иштирокчига “Меҳр ва маҳорат мактаби” китоби ҳадя этилди.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “SVETLANA KREDIT” МЧЖнинг 2021 йил 15 декабрдаги 80-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2021 йил 28 июль, 8 сентябрь, 29 октябрь ва 14 декабрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2 кўчаси, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 3007 | Серьги 583 пр. о/в 2,31 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,76 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,61 гр. | 2 334 042,00 |
| 2. | 3043 | Кольцо 583 пр. о/в 1,96 гр. | 568 158,00 |
| 3. | 3229 | Серьги 583 пр. о/в 4,42 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,95 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,44 гр. | 3 516 045,00 |
| 4. | 3239 | Кольцо 583 пр. о/в 3,85 гр. | 1 333 625,89 |
| 5. | 3353 | Кольцо 583 пр. о/в 3,66 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,04 гр. | 2 020 740,00 |
| 6. | 3438 | Серьги 583 пр. о/в 4,01 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,57 гр. | 2 148 000,00 |
| 7. | 3445 | Серьги 583 пр. о/в 3,78 гр. | 633 000,00 |
| 8. | 3461 | Кольцо 583 пр. о/в 2,34 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,10 гр. | 1 996 500,00 |
| 9. | 3557 | Перстень 583 пр. о/в 5,87 гр. | 2 299 500,00 |
| 10. | 3613 | Серьги 583 пр. о/в 0,97 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,60 гр. | 1 390 500,00 |
| 11. | 3626 | Браслет 583 пр. о/в 3,52 гр. | 784 500,00 |
| 12. | 3663 | Серьги 583 пр. о/в 5,95 гр. | 2 299 500,00 |
| 13. | 3695 | Цепь 583 пр. о/в 8,38 гр.; цепь 583 пр. о/в 6,35 гр.; серьги 585 пр. о/в 4,81 гр.; серьги 583 пр. о/в 1,52 гр.; браслет 583 пр. о/в 4,60 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,56 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,27 гр. | 12 601 500,00 |
| 14. | 3700 | Цепь 583 пр. о/в 9,46 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,81 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,83 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,58 гр. | 8 814 000,00 |
| 15. | 3740 | Кольцо 583 пр. о/в 4,26 гр. | 1 632 900,00 |
| 16. | 3773 | Кольцо 583 пр. о/в 5,66 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,97 гр. | 2 148 000,00 |
| 17. | 3786 | Кольцо 583 пр. о/в 1,25 гр. | 451 200,00 |
| 18. | 3853 | Кольцо 583 пр. о/в 1,27 гр. | 526 950,00 |
| 19. | 3889 | Серьги 583 пр. о/в 6,25 гр.; серьги 585 пр. о/в 3,43 гр. | 3 360 000,00 |
| 20. | 3909 | Кольцо 583 пр. о/в 3,25 гр. | 1 239 000,00 |
| 21. | 3915 | Серьги 583 пр. о/в 5,26 гр. | 1 542 000,00 |
| 22. | 3936 | Кольцо 583 пр. о/в 2,23 гр. | 890 550,00 |
| 23. | 3947 | Кольцо 583 пр. о/в 1,44 гр. | 511 800,00 |
| 24. | 4042 | Браслет 583 пр. о/в 4,94 гр. | 1 845 000,00 |
| 25. | 4136 | Серьги 583 пр. о/в 3,09 гр. | 1 026 900,00 |
| 26. | 4166 | Серьги 583 пр. о/в 4,20 гр.; цепь 583 пр. о/в 4,96 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,51 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,94 гр. | 5 147 700,00 |
| 27. | 4172 | Кольцо 583 пр. о/в 1,91 гр. | 526 950,00 |
| 28. | 4233 | Цепь 583 пр. о/в 10,40 гр. | 3 966 000,00 |
| 29. | 4269 | Серьги 583 пр. о/в 4,10 гр. | 1 617 750,00 |
| 30. | 4273 | Цепь 583 пр. о/в 4,47 гр.; серьги 583 пр. о/в 7,59 гр.; кулон 583 пр. о/в 0,87 гр. | 4 814 400,00 |
| 31. | 3466 | Кольцо 583 пр. о/в 1,79 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,21 гр. | 973 770,97 |
| 32. | 3552 | Серьги 583 пр. о/в 3,53 гр. | 1 029 021,00 |
| 33. | 3733 | Кольцо 583 пр. о/в 1,65 гр. | 504 903,72 |
| 34. | 4046 | Кольцо 583 пр. о/в 2,67 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,30 гр. | 1 385 046,00 |
| 35. | 4073 | Часы С/Н 215 583 пр. о/в 42,39 гр. | 15 734 520,00 |
| 36. | 4091 | Серьги 583 пр. о/в 6,99 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,24 гр. | 2 765 110,00 |
| 37. | 4260 | Перстень 583 пр. о/в 5,78 гр. | 2 104 243,77 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 38. | 4303 | Кольцо 750 пр. о/в 8,54 гр.; кольцо 750 пр. о/в 5,23 гр.; колье 750 пр. о/в 4,17 гр. | 7 374 750,00 |
| 39. | 4341 | Кольцо 583 пр. о/в 2,86 гр. | 1 052 352,00 |
| 40. | 4400 | Кольцо 585 пр. о/в 2,60 гр. | 936 000,00 |
| 41. | 4409 | Серьги 583 пр. о/в 5,79 гр. | 1 864 018,30 |
| 42. | 4436 | Цепь 583 пр. о/в 4,55 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,83 гр. | 2 451 000,00 |
| 43. | 4451 | Цепь 583 пр. о/в 10,00 гр. | 3 890 250,00 |
| 44. | 4508 | Кольцо 583 пр. о/в 2,76 гр. | 1 163 250,00 |
| 45. | 4524 | Цепь 583 пр. о/в 6,33 гр.; кольцо583 пр. о/в 3,93 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,65 гр. | 5 329 500,00 |
| 46. | 4556 | Цепь 583 пр. о/в 8,52 гр.; кулон 583 пр. о/в 2,54 гр. | 4 117 500,00 |
| 47. | 4588 | Колье 585 пр. о/в 2,35 гр. | 890 550,00 |
| 48. | 4611 | Серьги 583 пр. о/в 1,69 гр.; серьга 1 шт. 583 пр. о/в 0,40 гр. | 667 629,87 |
| 49. | 4612 | Серьги 583 пр. о/в 3,86 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,93 гр.; кулон 583 пр. о/в 1,46 гр. | 2 511 600,00 |
| 50. | 4640 | Кольцо 583 пр. о/в 5,98 гр. | 2 284 350,00 |
| 51. | 4641 | Серьги 583 пр. о/в 6,48 гр.; кольцо 583 пр. о/в 6,15 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,72 гр. | 5 790 544,80 |
| 52. | 4692 | Колье 583 пр. о/в 3,77 гр. | 1 738 950,00 |
| 53. | 4733 | Серьги 583 пр. о/в 4,22 гр. | 1 242 636,00 |
| 54. | 4788 | Кольцо 583 пр. о/в 3,39 гр. | 1 496 550,00 |
| 55. | 4815 | Серьги 583 пр. о/в 5,53 гр. | 2 223 750,00 |
| 56. | 4826 | Кольцо 583 пр. о/в 5,53 гр. | 1 996 500,00 |
| 57. | 4886 | Цепь 583 пр. о/в 5,71 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,28 гр. | 4 026 600,00 |
| 58. | 4892 | Серьги 583 пр. о/в 3,50 гр. | 1 299 600,00 |
| 59. | 4897 | Кольцо 583 пр. о/в 2,18 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,78 гр. | 1 542 000,00 |
| 60. | 4932 | Кольцо 583 пр. о/в 1,14 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,48 гр. | 1 587 450,00 |
| 61. | 4952 | Кольцо 583 пр. о/в 3,27 гр. | 1 117 628,30 |
| 62. | 5033 | Серьги 583 пр. о/в 4,22 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,66 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,06 гр. | 3 057 000,00 |
| 63. | 5055 | Кольцо 583 пр. о/в 2,33 гр. | 1 087 500,00 |
| 64. | 5086 | Кольцо 583 пр. о/в 3,12 гр. | 936 000,00 |
| 65. | 5096 | Цепь 583 пр. о/в 3,00 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,44 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,73 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,70 гр. | 4 875 000,00 |
| 66. | 5143 | Браслет 585 пр. о/в 3,92 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,15 гр. | 2 754 000,00 |
| 67. | 5159 | Цепь 583 пр. о/в 6,09 гр. | 2 375 250,00 |
| 68. | 5160 | Серьги 583 пр. о/в 6,62 гр. | 2 981 250,00 |
| 69. | 5186 | Кольцо 583 пр. о/в 1,71 гр. | 784 500,00 |
| 70. | 5251 | Серьги 583 пр. о/в 1,12 гр. | 375 450,00 |
| 71. | 5262 | Серьги 583 пр. о/в 3,27 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,95 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,30 гр. | 2 526 750,00 |
| 72. | 5293 | Серьги 585 пр. о/в 5,70 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,78 гр. | 4 390 200,00 |
| 73. | 5296 | Цепь 583 пр. о/в 2,08 гр.; кулон 585 пр. о/в 0,98 гр. | 1 420 800,00 |
| 74. | 5349 | Серьги 583 пр. о/в 5,58 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,04 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,62 гр. | 3 693 300,00 |
| 75. | 5366 | Кольцо 583 пр. о/в 3,81 гр. | 1 542 000,00 |
| 76. | 5426 | Серьги 583 пр. о/в 4,02 гр. | 1 542 000,00 |
| 77. | 5460 | Серьги 583 пр. о/в 5,50 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,04 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,01 гр. | 3 541 800,00 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 78. | 5481 | Кольцо 583 пр. о/в 2,10 гр. | 784 500,00 |
| 79. | 5487 | Кольцо 585 пр. о/в 1,69 гр. | 617 850,00 |
| 80. | 5500 | Цепь 585 пр. о/в 12,52 гр.; браслет 583 пр. о/в 4,64 гр.; серьги 583 пр. о/в 3,06 гр.; кольцо 583 пр. о/в 8,31 гр.; серьги 585 пр. о/в 6,59 гр. | 14 116 500,00 |
| 81. | 5516 | Серьги 583 пр. о/в 5,70 гр.; серьги 583 пр. о/в 4,46 гр. | 3 253 950,00 |
| 82. | 5537 | Серьги 583 пр. о/в 4,60 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,50 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,28 гр. | 3 966 000,00 |
| 83. | 5538 | Кольцо 583 пр. о/в 3,11 гр. | 1 132 950,00 |
| 84. | 5585 | Кольцо 583 пр. о/в 5,00 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,59 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,24 гр. | 4 117 500,00 |
| 85. | 5658 | Серьги 583 пр. о/в 2,75 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,54 гр.; кольцо 583 пр. о/в 1,67 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,68 гр. | 4 390 200,00 |
| 86. | 5665 | Цепь 583 пр. о/в 2,53 гр. | 1 178 400,00 |
| 87. | 5672 | Перстень 585 пр. о/в 12,16 гр. | 4 572 000,00 |
| 88. | 5690 | Цепь 583 пр. о/в 2,08 гр.; кулон 583 пр. о/в 0,84 гр. | 1 087 500,00 |
| 89. | 5704 | Кольцо 583 пр. о/в 2,65 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,36 гр. | 1 814 700,00 |
| 90. | 5720 | Кольцо 583 пр. о/в 2,64 гр. | 1 178 400,00 |
| 91. | 5842 | Кольцо 583 пр. о/в 6,05 гр. | 2 723 700,00 |
| 92. | 5850 | Кольцо 583 пр. о/в 5,34 гр. | 2 451 000,00 |
| 93. | 5867 | Серьги 583 пр. о/в 1,92 гр. | 451 200,00 |
| 94. | 5893 | Серьги 583 пр. о/в 1,52 гр. | 723 900,00 |
| 95. | 5897 | Кольцо 583 пр. о/в 1,58 гр. | 587 550,00 |
| 96. | 5964 | Серьги 583 пр. о/в 4,04 гр.; кольцо 583 пр. о/в 4,58 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,13 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,31 гр.; кольцо 583 пр.1,99 гр. | 5 965 800,00 |
| 97. | 2454 | Колье 583 пр. о/в 14,36 гр.; цепь 583 пр. о/в 6,45 гр.; браслет 583 пр. о/в 6,22 гр.; серьги 583 пр. о/в 6,48 гр.; кулон 583 пр. о/в 2,80 гр.; кольцо 583 пр. о/в 3,62 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,80 гр.; кольцо 583 пр. о/в 5,98 гр.; кольцо 583 пр. о/в 2,47 гр. | 18 495 250,00 |
| 98. | 2633 | Цепь 583 пр. о/в 10,38 гр.; серьги 583 пр. о/в 2,55 гр.; серьги 583 пр. о/в 1,31 гр. | 5 316 000,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **273 885 935,62** |

Аукцион савдолар **2022 йил 18 январь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 14 январь куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2021 йил 18 январь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 31 январь ва 14 февраль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

Билиб қўйган яхши

# ХОНАДОН ХАРИД ҚИЛИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда бир танишим қўнғироқ қилиб, “Қурилиш вазирлигини газетасида ишлайсиз, ҳар ҳолда соҳадаги ўзгаришлардан кўпроқ хабардорсиз, янги қурилаётган уйлардан сотиб олмоқчи эдим, “плюс” ва “минус” томонлари ҳақида озроқ маълумот беролмайсизми?” деб маслаҳат сўраб қолди.**



Айтишича, ўтган йили жияни янги қурилган уйлардан сотиб олган экан. Қурилиш ташкилотидагилар айни пайтда уларга пул жуда зарурлигини, шу боис бошқалардан кўра арзонроқ нархга беришини айтиб ишонтирган. Арзон уйдан қуруқ қолмаслик учун жияни ҳам шоша-пиша бор пулини бериб, қолганини ойма-ой тўлаш шарти билан уйни сотиб олади. Яқинда банкдан уй учун тўлов қилинмаётганлиги ҳақида огоҳлантириш хати келибди. Ахир, улар бир йилдан буён ҳар ойда белгиланган суммани тўлаб келишаётган бўлса. Унда тўланган пуллар қаерга кетди?

Афсуски, юқоридаги каби турли хил вазиятларга тушиб, пулига куйиб, судма-суд сарсон бўлиб юрган юртдошларимиз ҳам бор. “Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма”, деган нақл бежизга айтилмаган. Шу боис, қурилиш ишлари энди бошланган ёки қурилиш жараёни давом этаётган кўп квартирали уйлардан хонадон харид қилишда нималарга эътибор бериш кераклигини билсак, бундай вазиятларга тушиб қолмас эдик.

**ҚУРИЛИШ ДАВОМИДА ФУҚАРОЛАР МАБЛАҒИНИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАДА РЎЙХАТДАН ЎТИШИ ШАРТ. РЎЙХАТДАН ЎТМАСДАН ТУРИБ, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИ БЕЛГИЛАНГАН ҲАМДА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАДАН РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ҚУРАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ МАЖМУАСИНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШИ ҲАМДА УЛУШДОРНИНГ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚУРИЛИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШИ МУМКИН ЭМАС.**

Хабарингиз бор, охирги йилларда юртимизда кўп қаватли уйлар қурилиши кескин кўпайди. Улар туфайли халқимизда танлаш имконияти кенгайди. Ахир, маблағи, диди, хоҳишига мос хонадон эгаси бўлиш ҳар кимнинг орзуси, албатта. Афсуски, шу билан бирга, ноқонуний қурилиш қилаётган тадбиркорлар ва янги кўп квартирали уй қураман деб фуқаролар ишончига кириб, алдов йўли билан уларнинг пулини олишни мақсад қилганлар ҳам тез-тез учрамоқда.

Улуш киритиш асосида қурилаётган уй-жойлардан харид қилишда фуқаролар билиши керак бўлган муҳим қоидалар бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПҚ–4732-сонли қарорига асосан улуш киритиш асосида қуриш электрон платформаси шакллантирилган.

Уй сотиб олаётган фуқаро энг аввало, Қурилиш вазирлигининг электрон платформасидан https://mc.uz/ulushdor/ ушбу ҳавола орқали хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган уйнинг рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганини текшириши керак. Юқорида кўрсатилган ҳавола орқали ҳамма учун очиқ бўлган мажмуа ва қурувчи ташкилот номи, манзили каби маълумотларни олиш мумкин.

Қурилиш ташкилотлари қай тартибда рўйхатдан ўтказилади?

Қурилиш ташкилоти қурилаётган уйнинг маълумотларини электрон тартибда платформага юклайди, шундан сўнг ваколатли органнинг масъул ходими маълумотларни кўриб чиқади ва 3 иш куни ичида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Электрон рўйхатга киритиш учун қурувчилар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

- кўп квартирали уйларни қуриш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаси ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- қурилиш мажмуасига кирадиган кўп квартирали уйлар ва бошқа қурилиш объектлари қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий ресурслари ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хатининг мавжудлиги;
- қурилиш мажмуаси учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосасининг мавжудлиги;
- техник ва муаллифлик назорати ҳамда давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли шартномаларнинг тузилганлиги;
- улушдорлар томонидан киритилган маблағларни жалб қилиш учун тижорат банкида алоҳида ҳисобварақ очилганлиги.

Президент қарорига асосан ташкил этилган электрон платформа кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш бозорини тартибга солиш, уй харид қилаётган фуқароларни максимал даражада рисклардан ҳимоялаш мақсадида фаолият олиб бормоқда. Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари юқорида кўрсатилган талабларга асосан қурилиш жараёнини олиб бораётган бўлади.

Қурилиш давомида фуқаролар маблағини қурилиш ишларига жалб қилаётган қурилиш ташкилотлари электрон платформада рўйхатдан ўтиши шарт. Рўйхатдан ўтмасдан туриб, қурилиш ишларига фуқароларнинг маблағларини жалб қилиш мумкин эмаслиги белгиланган ҳамда электрон платформадан рўйхатдан ўтмаган қурилиш ташкилотлари қураётган кўп қаватли турар жой мажмуасини реклама қилиши ҳамда улушдорнинг маблағларини қурилишга жалб қилиши мумкин эмас.

**Бино эксплуатациясининг кафолат муддати 2 йил бўлиб, уйлар фойдаланишга топширилгандан сўнг қурилиш ташкилоти бино эксплуатациясини амалга оширади.**

Шунингдек, қарорга асосан улушдор фуқаролар қуйидагиларга:

**УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН УЙ-ЖОЙЛАРДАН ХАРИД ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРО ЭНГ АВВАЛО, ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИДАН HTTPS://MC.UZ/ULUSHDOR/ УШБУ ҲАВОЛА ОРҚАЛИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН ҚУРИЛАЁТГАН УЙНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН ЁКИ ЎТМАГАНИНИ ТЕКШИРИШИ КЕРАК.**

- қурилиш объектидаги қурилиш ишлари ҳолати билан танишишга;
- шартнома шартлари бажарилиши бўйича қурувчидан ёзма шаклда маълумот талаб қилишга;
- қурилиш объектларини қуриш устидан техник, шунингдек, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширишга ҳақли.

Қурилиш устидан давлат назорати Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиб борилади. Кўп квартирали уй-жойларни улуш киритиш асосида қураётган қурилиш-пудрат ташкилотлари юқоридаги қарорга асосан фаолият олиб боришлари лозим.

Демак, барчаси ўзимизга боғлиқ. Ҳуқуқий саводхонлигимизни ошириб, жамиятда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлардан бохабар бўлсак, ҳеч қандай ноқулай вазиятга тушиб қолмаймиз.

# ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРИШДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ

**Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг бугунги кунини мухлислар айниқса, интиқлик ва катта қизиқиш билан кутишгани рост. Боиси – кўпчиликнинг эътибори 109 кг вазн тоифасидаги беллашувларга қаратилган бўлиб, унда сўнгги икки олимпиаданинг чемпион ва рекордчилари Акбар Жўраев ва Руслан Нуриддинов олтин медаль учун кураш олиб боришди.**







“Юнусобод” спорт мажмуасида ўтказилган ушбу баҳсни юртдошларимиз катта олқиш ва ҳаяжон билан қарши олишди. Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши спортчиларни ҳам яна шиддат билан курашга ундагани боис, машқлар кўтаринки руҳда бошланди.

Силтаб кўтариш машқида ҳамюртимиз Акбар Жўраев 238 кг тошни ўзига бўйсундириб, олтин медаль соҳибига айланди. Токио Олимпиадаси чемпиони даст кўтаришда ҳам олтин медалга сазовор бўлган эди. Икки кураш натижаларига кўра, Акбар Жўраев мутлақ жаҳон чемпионига айланди. Акбар Жўраев юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳонни яна бир бор лол қолдирди. Спорт мажмуасида у учун янграган Ватанимиз мадҳияси ва олқишу қарсаклар пойтахтимиз узра таралгандек бўлди, гўё.

Жаҳонни лол қолдирган мардларга макон юртимиз спортчилари ишқибозларни яна бир карра қувонтиришди. Силтаб кўтариш машқида Рио Олимпиадаси чемпиони Руслан Нуриддинов 236 кг натижа билан кумуш медални қўлга киритди. Ушбу ғалаба ҳам юртдошларимиз қалбида сўнмас ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотгани рост.

Токио Олимпиадасининг кумуш медали соҳиби, арманистонлик Симон Мартиросян ушбу жангда 228 кг билан бронза медалига эга чиқди.

Спортчининг ютуғи бутун юртники. Шу боис, жаҳонни лол қолдиришда давом этаётган ўзбек ўғлонларини қанча олқишласак ҳам кам. Зеро, ютуқлар ҳали олдинда!

**Ўз мухбиримиз.**

# TAQIda “Yil talabasi-2021” g‘oliblari aniqlandi

**Gulchehra ELTAYEVA,**
TAQI Iqtidorli talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish bo‘limi boshlig‘i.

**TAQIda “Yil talabasi-2021” respublika tanlovining institut bosqichi g‘oliblarini taqdirlash marosimi bo‘lib o‘tdi.**

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus vazirligi tomonidan bir necha yillardan buyon o‘tkazib kelinayotgan “Yil talabasi” ko‘rik-tanlovi bu yil ham yuqori saviyada tashkil etildi. Ko‘rik-tanlovda qatnashish istagida bo‘lgan talabalar soni yildan-yilga oshib bormoqda. Institutimizda ham bu yilgi ko‘rik-tanlov maxsus Nizomga muvofiq tashkil etildi. Tanlov 7 yo‘nalish bo‘yicha o‘tkazilib, unga talabalarning bir yil davomida qilgan ishlari, erishgan yutuqlari hamda jamoat ishlaridagi faolligi aks etgan hujjatlar taqdim etildi.

“Yil talabasi-2021” respublika tanlovining institut bosqichida g‘olib bo‘lgan talabalarga institutning yoshlar bilan ishlash bo‘yicha prorektori Zafar Abduvaliyev tomonidan faxriy yorliq va bir martalik pul mukofotlari topshirildi.

Tanlovning ikkinchi bosqichi oliy ta’lim muassasalarida g‘olib bo‘lgan talabalar o‘rtasida o‘tkaziladi. Tanlovda bilimdonlik, targ‘ibotchilik, ixtirochilik, blogerlik, ijodkorlik, tadbirkorlik va sport sohalarida yil davomida eng yuqori natijalarga erishgan talabalar g‘olib bo‘lishadi.




# ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Декабрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги девонхона мудири **Гулшаной Отабоева,**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Давронбек Саидкулов,**

Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг маркази бош мутахассиси **Бахтияр Жаузабаев,**

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси таркибидаги Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими техниги **Раъно Мурадова,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими мутахассиси **Ражаб Қодиров,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси назорат инспектори **Шавкат Тошпўлатов,** Ургут тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Фахриддин Ашуров,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Абдукарим Катаев,**

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Абдулло Убайдуллоев,**

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси АКТ мутахассиси **Собиржон Исақов,**

Хоразм вилояти, Хива тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши назорати бўйича архитектор **Давронбек Авезов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1243.
2297 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 23.40. Топширилди – 00.15. 1 2 3 4 5 6